



ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ЯҚИН ҲАМКОРИ

Президентимизнинг 2016 йил 5 октябрдаги «Тadbиркорлик фаолиятининг жадал ривожланиши таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони тadbиркорлик соҳасининг жадал ривожланиши истикболларини белгилаб берди.



Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳам шу сингари аҳамиятли меъёрий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш мақсадида бир неча тadbирларни амалга ошириб келмоқда. Айниқса, банк томонидан ушбу фармонда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши кичик бизнеснинг тезкор ривожланиши, хусусий тadbиркорлик фаолиятининг муваффақиятли ташкил

қилиниши ва юритилиши учун қулай шароитлар яратмоқда. Хусусан, муассасанинг соҳа субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаши сифатли ва рақобатдош маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилишига, уларнинг экспортдаги суръати мунтазам равишда ошишига, дўконлар пештахталаридаги маҳаллий товарлар ўрнининг тобора ортишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

(Давоми 2-бетда).

«Туронбанк»: корпоратив бошқарувга алоҳида эътибор

«INTELLIGENT ANALYTICS GROUP» МЧЖ консалтинг компанияси томонидан «Туронбанк» акциядорлик-тижорат банкида «Корпоратив бошқарув кодекси» тавсиялари жорий этилиши баҳоланди.

Баҳолаш натижаларига кўра, «Туронбанк» акциядорлик-тижорат банкида «Корпоратив бошқарув кодекси» тавсиялари жорий этилиши корпоратив бошқарув бўйича миллий стандартларга мувофиқлик даражаси аниқланди.

Шу билан бирга, консалтинг компанияси вакиллари баҳолаш натижаларидан келиб чиқиб, банкда «Корпоратив бошқарув кодекси» тавсиялари жорий этилишини янада такомиллаштириш бўйича ўз хулосаларини берди.

Бекзод АКРОМОВ.

● 2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

Банклар аҳоли билан ишлашнинг янги усулига ўтди

Тижорат банклари давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган вазифаларни бажариш ҳамда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да фуқароларнинг тadbиркорлик билан шуғулланишларига кенг имкониятлар яратиш учун тadbиркорларга молиявий қўмак ва мадад беришнинг янги усуллари жорий этилди.

Банклар оддий аҳолини тadbиркорликка, ишбилармонликка ўргатиш ва шунга етаклаш мақсадида уларнинг банк хизматлари ва кредит маблағларига бўлган эҳтиёжини ўрганиб чиқишга киришди.

Тижорат банкларининг жойлардаги филиаллари масъул ходимлари аҳоли хонадонларига ташриф буюрмоқда ва улар билан ўтказаятган мулоқотларида тadbиркорлик фаолиятини амалга оширишлари учун ажратилаётган кредитлар, уларнинг шартлари, кредит ҳужжатлари ва гаров таъминоти тўғрисида батафсил тушунтиришлар бериб бормоқда.

Ўз навбатида, тadbиркорлик фаолиятини амалга ошириш истагини билдир-

ган фуқароларга намунавий лойиҳалар таклиф этилиб, уларга кредит ҳужжатларини тайёрлаш бўйича тегишли маслаҳатлар берилмоқда ва қисқа муддатларда кредит маблағлари ажратиш чоралари қўрилмоқда.

Банклар томонидан аҳолига қуйидаги йўналишлар бўйича кредит ажратиш таклиф этилмоқда:

– чорвачилик; паррандачилик; асаларичилик; қуёнчилик; қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, боғдорчилик ва узумчилик; иссиқхоналар қуриш; балиқчилик; кичик ишлаб чиқариш цехларини ташкил этиш; касаначиликни ривожлантириш; хунармандчилик; сартарошхона хизматини ташкил этиш; тикувчилик ва че-

варликни қўллаб-қувватлаш; пойабзал тузатиш устaxonасини ташкил этиш; умумий овқатланиш хизматини ташкил этиш; маиший техникаларни тузатадиган устaxonалар ташкил этиш; гўзаллик салонлари ташкил қилиш; аҳолига транспорт хизматлари кўрсатиш; автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи шохобчалар қуриш; автомобилларни ювиш шохобчаси ташкил қилиш; компьютер хизматлари кўрсатишни ташкил қилиш; савдо фаолиятини йўлга қўйиш; ҳаммомлар ташкил қилиш; иловийхона ташкил қилиш; қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш; бошқа фаолиятни амалга ошириш учун.

Банкларнинг имтиёзли кредитларидан фойдаланиш, ўз бизнесини ташкил этиш фуқароларнинг куч ва имконияти, қобилияти ва салоҳиятини рўёбга чиқариши учун кенг шароит яратди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Матбуот хизмати.

Бизнес омбудсманни ташкил этишга бағишланди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда Олий Мажлис ҳузуридаги Тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти (бизнес омбудсман) фаолиятининг ҳуқуқий асосларига бағишланган семинар ўтказди.

Тadbиркорликни ривожлантириш ва унинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Зеро, хусусий мулкчиликни тараққий эттириш – юртимиз ва иқтисодиётимиз барқарорлиги гаровидир. Шу боис ҳам иқтисодий-ижтимоий ва ҳуқуқий соҳаларни ислоҳ этиш, эркин тadbиркорлик фаолиятини қарор топтириш борасидаги ислохотлар манتيқий изчилликда bosқичма-bosқич амалга оширилмоқда.

Бугунги кунгача республикаимизда хусусий мулк, кичик бизнес ва тadbиркорлик соҳасининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида 1219 норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

қабул қилинган, шундан 156 та қонун, 138 та Президент фармони, қарори ва фармойишлари, 280 та Вазирлар Маҳкамаси қарори, 646 та си эса, турли вазирлик ва идораларнинг ички меъёрий ҳужжатларидан таркиб топган.

Ушбу йўналишдаги яна бир муҳим ҳужжат 2016 йилнинг 5 октябрда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинган «Тadbиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон бўлиб, у тadbиркорлик соҳасидаги ислохотларнинг янги bosқичини бошлаб берди.

(Давоми 2-бетда).

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН КУРСИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 10 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғжона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	2370,64	1 Канада доллари	2447,85	1 Норвегия кронаси	379,98	1 евро	3419,18
1 Англия фунт стерлинги	3967,93	1 Хитой юани	467,93	1 Польша злотийси	784,50	10 Жанубий Корея вонини	26,88
1 Дания кронаси	459,44	1 Қувайт динари	10607,89	1 Сингапур доллари	2249,74	10 Япония иенаси	276,22
1 БАА дирҳами	883,17	1 Россия рубли	53,48	1 СДР	4378,19		
1 АҚШ доллари	3243,89	1 Украина гривнаси	120,05	1 Туркия лираси	889,69		
1 Миср фунти	181,73	100 Ливан фунти	215,44	1 Швеция кронаси	357,78		
1 Исландия кронаси	28,56	1 Малайзия ринггити	724,73	1 Швейцария франки	3187,48		

Айрим хорижий валюталарнинг ўтган ҳафтага солиштирма кўрсаткичи:

1 USD ▲ 3243,89 – (3239,62) | 1 EUR ▲ 3419,18 – (3404,13) | 1 GBP ▼ 3967,93 – (3983,76) | 10 JPY ▲ 276,22 – (276,09)

Солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар тарғиботи

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси ҳамда бошқа қатор вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида солиқ ва бюджет сис-сатининг 2017 йилги асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар мазмун-моҳиятига бағишланган кўргазмали семинар ўтказилмоқда.



Тадбир Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йилнинг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинганлиги ҳамда бу борада белгиланган устувор вазифалар асосида ташкил этилиб, унда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этмоқда.

Семинарда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида солиқ имтиёзларини бериш ва солиқ маъмуричилигининг самарадорли-

гини ошириш тенденцияси 2017 йилда ҳам сақланиб қолинганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ ва бюджет сис-сатининг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳуж-жатларига ўзгартиш ва қў-шимчалар киритиш тўғри-сида»ги Қонуни, давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил-ги асосий макроиқтисодий кўр-саткичлари прогнози ва Дав-

лат бюджети параметрла-ри тўғрисида»ги 2699-сон-ли Қарори ҳамда бошқа қатор фармон ва қарорларга асо-сан турли йўналишлар бўйича энгилликлар, имтиёзлар яра-тилганлиги, амалдаги имтиёз-лар мuddати узайтирилганлиги таъкидланди.

Жумладан, хизматлар кўр-сатиш ва сервис соҳасида фа-олият юритувчи юридик шах-сларни фойда ва ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этиш тарзидаги солиқ имтиёзлари 12 та фаолият турини, шундан 4 таси республиканинг барча ҳудудларида ва 8 таси қишлоқ жойларда амалга оширган-лик учун 2020 йил 1 январьгача татбиқ этилиши белгиланди.

Миллий реестрга киритилган дастурий таъминот воситала-рини ишлаб чиқувчилар ҳамда республикамизда автомобиль саноатини янада ривожлан-тириш мақсадида берилган солиқ имтиёзларининг мuddа-ти 2020 йилнинг 1 январьгача, оммавий ахборот воситалари тахририятлари ва нашриётлар учун эса, 2019 йилнинг 1 янва-ригача узайтирилди.

(Давоми 12-бетда).

Бизнес омбудсманни ташкил этишга бағишланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Видео-мулоқот тарзи-да ўтган семинарда ишти-рокчилар фармонда тад-биркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний ман-фаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонунлар ижро-си устидан парламент назо-рати шакллари кучайти-риш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-лиси ҳузурида Тадбир-корлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний ман-фаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтини ташкил этиш белгиланган-ини таъкидладилар.

Тадбирда хусусий мулкчи-ликни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилаш борасида беш-та энг устувор соҳа бўйича 42 та аниқ чора-тадбирлар амалга оширилишини на-зарда тутувчи Комплекс чора-тадбирлар дасту-ри тасдиқланганлиги, хусу-сан, коррупцияга қарши ку-рашининг ҳуқуқий асосла-рини такомиллаштириш, давлат ва бизнеснинг ўзаро ҳамкорлигидаги маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, давлат дастурларидан фой-даланишнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъ-минлаш доирасида умум-

этироф этилган халқаро стандартлар асосида бир қатор қонунларнинг қабул қилиниши, жиноят ишла-ри бўйича текширишларни тайинлаш ва ўтказиш тарти-бининг аниқ ҳуқуқий тарти-ботини белгилаш учун эса, қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритили-ши назарда тутилганлиги таъкидланди.

Видео-семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Сав-до-саноат палатаси, Адлия вазирлиги, Республика Бош прокуратураси, Молия ва-зирлиги, Ўзбекистон Рес-публикаси Олий Мажли-сининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудс-ман), Марказий банк, Дав-лат солиқ қўмитаси, Давлат божона қўмитаси, Назорат қилувчи органлар фаоли-ятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши аъзо-лари иштирок этиб, улар то-монидан бизнес омбудс-маннинг ҳуқуқлари, унинг ҳудудлардаги бўлимларини ташкил этиш ва моддий-тех-ник таъминотини таъмин-лаш, вакилларни танлаш ёки сайлаш жараёни каби ма-салаларга доир тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Гулшан ЮСУПОВА.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур фармон давлат органла-ри олдига тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш вазифа-сини қўйди. Уни амалга ошириш учун, аввало, тадбиркорлар фаоли-ятини тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимли таҳлил қилиш, уларни инвентаризациядан ўтказиш, мавжуд зиддият ва ўзаро номувофиқликларни, бугунги кун-да тадбиркорларнинг эркин фаоли-ят юритишига тўсиқлик қиладиган ҳуқуқий тўсиқларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш масалалари ўртага ташланди.

Бунда банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка доир лойиҳаларни молиялаштиришда ўз маблағларини жалб қилиш билан бирга махсус жамғармалар сармоялари ва хори-жий кредит линияларидан самарали фойдаланмоқда.

Рақамларга мурожаат қилиб, 2016 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра, ТИФ Миллий банки томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка ажратилган кредитлар ҳажми 2,1 трлн. сўмдан ортганини, шундан тадбир-кор аёлларга тақдим этилган кре-дитлар 331,4 млрд. сўмни ташкил қилганини қайд этиш жоиздир. Ушбу йўналтирилган сармоялар ҳисобига 9 500 дан зиёд иш ўринлари яратилди.

— Корхонамиз иш бошлагани-га ҳали кўп бўлгани йўқ, — дейди «Bahrom trade group» корхонаси раҳбари Зиёвуддин Мамажанов. —

ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ЯҚИН ҲАМКОРИ



Шунга қарамай, технологик каштачи-лик асосида тайёрланаётган матола-римиз юртдошларимиз, айниқса, хо-рижлик сайёҳларга манзур бўлмоқда. Сир эмас, бугунги соғлом рақобат муҳитида харидорлар талаб ва истак-ларидан келиб чиқиб иш юритиш, ян-гилик яратиш давр талабидир. Бироқ ҳар қандай гоя ва режаларни сармоя-сиз ҳаётга татбиқ этиб бўлмайди. Шун-дай экан, муваффақиятларимизнинг асосини банк хизматлари билан боғласак тўғри бўлади. Чунки ТИФ Миллий банкининг Тошкент вилояти бўлимидан олган 585 650 АҚШ долла-ри миқдоридagi кредит ҳисобига кор-хонамиз тўлиқ замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган.

«Bahrom trade group» корхонаси-да ҳозирги кунда 50 нафар ишчи-ход-им меҳнат билан банд, шулардан 18 нафарини коллеж битирувчилари ташкил этади. Корхона раҳбари Зиё-вуддин Мамажановнинг таъкидлаши-ча, яқин келажақда ярим тайёр мато маҳсулотларини экспортга чиқариш ва шу орқали янги иш ўринларини 300 тага етказиш, унинг 30 фоизга яқинини касб-хунар коллежи бити-рувчилари ҳисобидан тўлдириш ре-жалаштирилган.

ТИФ Миллий банкининг Тошкент вило-яти бўлими мижозларидан бўлган яна бир ишлаб чиқарувчи корхона — «Uzpolitex holding» МЧЖдир. 2015 йил-да муассаса ушбу МЧЖга 6 йил муд-

датга Хитой давлат тараққиёт банки кредит линияси ҳисобидан 2,76 млн. доллар миқдорида кредит ажратган. Банк маблағлари ҳисобига корхона қоп ишлаб чиқариш технологиялари бўйича дунё миқёсида ҳар жиҳатдан юқори ўринда турувчи «Starlinger» (Австрия) компаниясининг «AD*Star» туркумидаги энг сўнги технологик ус-куналарини харид қилган.

— Корхонамизнинг асосий фа-олияти аҳолини юқори сифатли, фойдаланишда осон бўлган, қулай нархлардаги полипропилен қоплар билан таъминлашга қаратилган, — дейди «Uzpolitex holding» МЧЖ бош ҳисобчиси Нарзулла Юнусов. — Ҳозирги кунда корхонамиз томо-нидан цемент, гипс, шпаклевка ва шу турдаги бошқа қурилиш товар-лари, шакар, ун, туз каби озиқ-овқат маҳсулотларига мўлжалланган қозғ қоплар ишлаб чиқарилмоқда. 20 ки-ши иш билан таъминланган бўлиб, яна 10 нафар коллеж битирувчилари учун қўшимча иш ўрни ташкил этиш-ни режалаштирганмиз.

Кредит турлари орасида омма-боплиги билан фарқланувчи ҳамда бандлик муаммосининг олдини олиш-да самарали хизматлардан бири сан-налган микрокредитлар ТИФ Миллий банки томонидан ҳам мижозлар та-лабига кўра бериб борилмоқда. Хусу-сан, 2016 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига мувофиқ, муассаса ажратган микро-кредитлар туфайли 3 600 дан ортик янги иш ўринлари ташкил этилди.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

РЕЙТИНГЛАР

3



«ANBOR-REYTING» РЕЙТИНГ АГЕНТЛИГИ 2016 ЙИЛ ДАВОМИДА БЕРИЛГАН РЕЙТИНГЛАР ЖАДВАЛИНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ

ТИЖОРAT БАНКЛАРИ

Банк номи	Йил бошида		Йил охирида	
	Рейтинг	Рейтинг буйича прогноз	Рейтинг	Рейтинг буйича прогноз
«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ	uzA+	Барқарор	uzA+	Барқарор
АТ «Алоқабанк»	uzA+	Барқарор	uzA+	Барқарор
«Ипотека-банк» АТИБ	uzA+	Барқарор	uzA+	Барқарор
«ЎТ-банк» АЖ	uzA	Барқарор	uzA	Барқарор
ЧЭКИ «Савдогар» АТБ	uzA	Барқарор	uzA	Барқарор
«Orient Finans» ХАТБ	uzA	Барқарор	uzA	Барқарор
«KDB Bank O'zbekiston» АЖ	uzA+	Барқарор	uzA+	Барқарор
«Туркистон» ХАТИБ	uzB++	Барқарор	uzB++	Барқарор
«Универсалбанк» ХАТБ	uzB	Барқарор	uzB	Барқарор
«Капиталбанк» АТБ	uzA	Барқарор	uzA	Барқарор
«Туронбанк» АТБ	uzA	Барқарор	uzA	Барқарор
«Агробанк» АТБ	uzA+	Барқарор	uzA+	Барқарор
«Asia Alliance Bank» АТБ	uzA+	Барқарор	uzA+	Барқарор
«Равнақ-банк» ХАТБ	uzB	Барқарор	uzB	Барқарор
«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ	uzA+	Барқарор	uzA+	Барқарор
«Ипак йўли» АИТБ	uzA+	Барқарор	uzA+	Барқарор
АТ Халқ банки	uzA	Барқарор	uzA	Барқарор
«Трастбанк» ХАБ	uzA+	Барқарор	uzA+	Барқарор
«Асака» АТБ	uzA+	Барқарор	uzA+	Барқарор
«Invest Finance Bank» АТБ	uzA	Ижобий	uzA	Барқарор
«Микрокредитбанк» АТБ	uzA	Барқарор	uzA	Барқарор
«Hi-Tech Bank» ХАТБ	uzB	Барқарор	uzB	Ижобий

СУГУРТА КОМПАНИЯЛАРИ

Сугурта компанияси номи	Йил бошида		Йил охирида	
	Рейтинг	Рейтинг буйича прогноз	Рейтинг	Рейтинг буйича прогноз
«Alfa Life» СТ ШХТ	uzA+	Барқарор	uzA+	Барқарор
«Ўзгросугурта» АЖ	uzA++	Барқарор	uzA++	Барқарор
«Alfa Invest» СТ МЧЖ	uzA+	Барқарор	uzA+	Барқарор
«EUROASIA INSURANCE» ҚҚ МЧЖ	uzA+	Барқарор	uzA+	Барқарор
«IShONCh» МЧЖ БСК	uzA	Барқарор	uzA	Барқарор
«Unipolis» СК МЧЖ	uzA	Барқарор	uzA	Барқарор
«ИНГО-ЎЗБЕКИСТОН» САЖ	uzA+	Ижобий	uzA+	Ижобий
«Universal Sug'urta» АЖ	uzA+	Барқарор	uzA+	Барқарор
«XALQ SUG'URTA» СК МЧЖ	uzA+	Барқарор	uzA+	Барқарор

ЛИЗИНГ КОМПАНИЯЛАРИ

Лизинг компанияси номи	Йил бошида		Йил охирида	
	Рейтинг	Рейтинг буйича прогноз	Рейтинг	Рейтинг буйича прогноз
«Qurilish-Lizing» ЛК АЖ	uzA	Ижобий	uzA	Ижобий
«ASAKA-TRANS-LEASING» МЧЖ ЛК	uzA	Барқарор	Рейтинг амал қилиш муносабати билан ўз кучини йўқотган	
«O'zavtosanoat-Leasing» МЧЖ ЛК	uzA+	Барқарор	uzA+	Барқарор
«Ўзбек Лизинг Интернешнл» ҚҚ АЖ	uzA+	Барқарор	Рейтинг амал қилиш муносабати билан ўз кучини йўқотган	
«Sifco International» МЧЖ	uzA+	Барқарор	uzA+	Барқарор
«Ўзмелиомашилизинг» ДЛК	uzA+	Барқарор	uzA+	Барқарор

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЭМИТЕНТЛАРИ
БЎЛГАН ҚОРХОНАЛАР

Қорхона номи	Йил бошида		Йил охирида	
	Рейтинг	Рейтинг буйича прогноз	Рейтинг	Рейтинг буйича прогноз
«BALIQCHI» АЖ	uzA	Барқарор	uzA	Барқарор
«Dori-Darmon» АЖ	uzA+	Барқарор	uzA+	Барқарор

МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ

Микрокредит ташкилотининг номи	Йил бошида		Йил охирида	
	Рейтинг	Рейтинг буйича прогноз	Рейтинг	Рейтинг буйича прогноз
«МКТ СИРДАРЬЯ» МЧЖ	uzB+	Барқарор	uzB+	Барқарор
«МКТ ДЕЛЬТА» МЧЖ	uzA+	Барқарор	uzA+	Барқарор
«МКТ QAMASHI KAPITAL INVEST» МЧЖ	uzB++	Барқарор	uzB++	Барқарор
«МКТ ТРАСТ ИНВЕСТ» МЧЖ	uzB++	Барқарор	uzB++	Барқарор
«Ishonch Effekt Kredit» МЧЖ	uzA	Барқарор	uzA	Барқарор
«МКТ ISTIQBOL INVEST» МЧЖ	uzB++	Барқарор	uzB++	Барқарор
«SABR mikroredit tashkiloti» ШК	uzB++	Барқарор	uzB++	Барқарор
«МКТ ЭЛТИРОМ PLYUS» МЧЖ	uzA	Ижобий	uzA	Ижобий
«МКТ ОЛТИРОМ ЮЛДУЗ ПЛЮС» МЧЖ	uzA	Барқарор	uzA	Барқарор
«МКТ ТАДБИРКОР ИНВЕСТ» МЧЖ	uzB++	Барқарор	uzB++	Барқарор
«МКТ GARANT INVEST» МЧЖ	uzB++	Барқарор	uzB++	Барқарор
«МКТ ЧИРЧИК КРЕДИТ» МЧЖ	uzB++	Барқарор	uzB++	Барқарор
«МКТ BARAKAT» МЧЖ	uzA	Барқарор	uzA	Барқарор
«МКТ АЛ БАРОТ» МЧЖ	uzB++	Барқарор	uzB++	Барқарор
«МКТ КАПИТАЛ ПЛЮС» МЧЖ	uzB+	Ижобий	uzB+	Ижобий
«МКТ BV FINANCE INVEST» МЧЖ	uzA	Барқарор	uzA	Барқарор
«МКТ ALFA» МЧЖ	uzB++	Барқарор	uzB++	Барқарор
«МКТ YENIGIL KREDIT» МЧЖ	uzA	Барқарор	uzA	Барқарор
«МКТ БИЗНЕС ЭКСПРЕСС» МЧЖ	uzB+	Барқарор	uzB++	Барқарор
«МКТ ЭВРИКА КАПИТАЛ» МЧЖ	uzB++	Барқарор	uzB++	Барқарор
«МКТ Кафолатли сармоя» МЧЖ	uzA	Барқарор	uzA	Барқарор
«МКТ РЕНЕСАНС» МЧЖ	uzA	Барқарор	uzA	Барқарор
«ЗУХРА ЮЛДУЗИ ФАЙЗ» МЧЖ	uzB+	Барқарор		
«МКТ Mega Investment plus» МЧЖ			uzB+	Барқарор

ЛОМБАРДЛАР

Ломбардлар номи	Йил бошида		Йил охирида	
	Рейтинг	Рейтинг буйича прогноз	Рейтинг	Рейтинг буйича прогноз
«DAROFF-INVEST» МЧЖ	uzB++	Ижобий	uzB++	Ижобий
«КОМАК-KREDIT» МЧЖ	uzA	Ижобий	uzA	Ижобий
«MOMENT KREDIT» МЧЖ	uzA	Ижобий	uzA	Ижобий
«BAQOJON PLYUS» МЧЖ	uzB+	Барқарор	uzB+	Барқарор
«ТОПАЗ КРЕДИТ» МЧЖ	uzB+	Барқарор	uzB+	Барқарор
«Максимум капитал кредит» МЧЖ	uzA	Барқарор	uzA	Барқарор
«Gold Start Lombard» МЧЖ	uzB+	Барқарор	uzB+	Барқарор
«OULAY KREDIT» МЧЖ	uzB++	Барқарор	uzB++	Барқарор
«TO Y-TERA KREDIT» МЧЖ	uzA	Барқарор	uzA	Барқарор
«YOM TOV CREDIT» МЧЖ	uzB++	Барқарор	uzB++	Барқарор
«ШЕРЗОД КРЕДИТ» МЧЖ	uzB++	Барқарор	uzB++	Барқарор
«OLOY INVEST» МЧЖ	uzB++	Барқарор	uzB++	Барқарор
«SHOKIR INVEST» МЧЖ	uzA	Ижобий	uzA	Ижобий
«ARTFAM-INVEST» МЧЖ	uzA	Барқарор	uzA	Барқарор
«BIZNES AZIA INVEST» МЧЖ	uzB+	Барқарор	uzB+	Барқарор
«VALYUT-TRANZIT» МЧЖ	uzB++	Барқарор	uzB++	Барқарор
«IDEAL-KREDIT» МЧЖ	uzA	Барқарор	uzA	Барқарор
«KRISTAL-KREDIT» МЧЖ	uzA+	Барқарор	uzA+	Барқарор
«TASHKREDIT» МЧЖ	uzA	Барқарор	uzA	Барқарор
«SHARQ-KREDIT» МЧЖ	uzA	Барқарор	uzA	Барқарор
«LOBAR-KREDIT» МЧЖ	uzA+	Барқарор	uzA+	Барқарор
«ALBATROS-KREDIT» МЧЖ	uzA	Барқарор	uzA	Барқарор
«ASAT-KREDIT» МЧЖ	uzA	Ижобий	uzA	Ижобий
«AVANGARD-KREDIT» МЧЖ	uzB++	Ижобий	uzB++	Ижобий
«SVETLANA-KREDIT» МЧЖ	uzA	Барқарор	uzA	Барқарор
«VENERA-KREDIT» МЧЖ	uzA	Барқарор	uzA	Барқарор
«RUSTAM-KREDIT» МЧЖ	uzA	Барқарор	uzA	Барқарор
«HAMKOR KREDIT» МЧЖ	uzA+	Барқарор	uzA+	Барқарор
«DAROMAD INVEST» МЧЖ	uzB+	Барқарор	uzB+	Барқарор
«GOLD FINANS BIZNES» МЧЖ	uzB++	Ижобий	uzB++	Ижобий
«YANGIYO'L ISHONCH KREDIT» МЧЖ	uzB++	Барқарор	uzB++	Барқарор
«SARMOYA-MADAD» МЧЖ	uzB++	Ижобий	uzA	Барқарор
«GOLD FINANCE KREDIT» МЧЖ	uzA	Барқарор	uzA	Барқарор
«SERGELI-KREDIT» МЧЖ	uzA+	Барқарор	uzA+	Барқарор
«LOMBARD PROFIT SERVICE» МЧЖ	uzB+	Барқарор	uzB+	Барқарор
«БАРДОШ БИЗНЕС» МЧЖ	uzA	Барқарор	uzA	Барқарор
«NORIK-CREDIT» МЧЖ	uzB++	Барқарор	uzB++	Барқарор
«BILLUR TONG YULDUZI» МЧЖ	uzB++	Барқарор	uzB++	Барқарор
«EVRIKA KREDIT» МЧЖ			uzB+	Барқарор
«CREDIT FLEX» МЧЖ			uzB+	Барқарор

● 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

Чегарачилар оилаларига янги уйлар калитлари топширилди

Самарканд вилояти Ургут туманида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара кўшинларига қарашли ҳарбий қисм хизматчилари оилалари учун янги уй-жойлар фойдаланишга топширилди.

Тадбирда мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган илчил ислохотлар жараёнида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий муҳофаза қилиш, турмуш шароитини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Ҳарбий хизматчилар учун замонавий уй-жойлар бунёд этилаётгани, турар жойдан фойдаланишда улар учун кўплаб имтиёзлар берилаётгани ана шу эътибор самарасидир.

«Тўрткўл» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида замонавий лойиҳа асосида бунёд этилган ушбу хонадонларда ҳарбийлар оила аъзолари учун барча шароит яратилган. Меҳмонхона, болалар ва катталар хонаси, шинам ошхо-

на зарур жиҳозлар билан таъминланган.

– Янги йил байрами ва Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилган уйлар оиламиз учун катта совға бўлди, – дейди **ҳарбий хизматчи Б.Холмирзаев**. – Буни давлатимизнинг ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзоларига қаратаётган ғамхўрлиги самараси деб биламиз. Биз, бу эътиборга жавобан зиммамизга юклатилган вазифаларни шараф билан бажариб, Ватанимиз тинчлиги, сарҳадларимиз яхлитлиги, халқимиз осойишталигини таъминлаш йўлида сидқидилдан хизмат қиламиз.

Тадбир доирасида ҳарбий қисм хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари учун концерт дастури намойиш этилди.

ЎЗА.

42 оила янгиланган намунавий лойиҳадаги уйларга кўчиб ўтди

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 21 октябрдаги «2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги Қарори ижроси доирасида Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги «Гуржак-1» массивида 32 оилага мўлжалланган икки қаватли ва майдони икки сотих бўлган 10 та бир қаватли алоҳида уй-жой фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда қишлоқ жойларда қурилаётган намунавий лойиҳалар асосидаги замонавий массивлар юртимиз қиёфасини тубдан ўзгартириб, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаёт-

гани алоҳида таъкидланди. Биринчи Президентимиз Исрол Каримовнинг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори асосида 2009-2016 йилларда Сурхон-

дарё вилоятида 5 минг 795 уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Замонавий массивларда ижтимоий бозор инфратузилмаси объектлари, сервис ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, кенг ва раvon йўллар бунёд этилди. Табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминланди. Олис қишлоқларда ҳам амалга оширилаётган бундай улкан бунёдкорлик ишлари жойларда қурилиш индустриясини ривожлантириб, аҳолини иш билан таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этаётир.

– Юртимиз ободлиги, аҳоли фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган бундай улкан қурилиш ишларини бир лойиҳа билан тасаввур ҳам қилолмаганмиз, – дейди **шерободлик Қудрат Асроров**. – Гуваладан қурилган пасткам уйларда бир этак фарзандлар, ке-



ҚИШЛОҚЛАРДА ЯНГИЛАНГАН НАМУНАВИЙ УЙЛАР: ТИПИ, НАРХИ ВА ИМТИЁЗЛАР

Эндиликда мазкур типдаги уй-жойлар Президентимизнинг 2016 йил 21 октябрдаги «2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги 2639-сонли Қарори ҳамда мазкур ҳужжатга мувофиқ, шу йилнинг 24 ноябрида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «Ариза берувчи – уй қурувчининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тавсиялари асосида 2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурида иштирок этиши тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 393-сонли қарорда қайд этилган талаблар асосида барпо этилиб, уй-жой эҳтиёжмандларига тақдим этилади.

Бу ҳақда «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банкнинг Қишлоқ қурилишнинг кредитлаш департаменти бошлиғи Залайҳо Жўраева батафсил маълумот берди.

– Давлатимиз раҳбарининг ПҚ-2639-сонли ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 393-сонли қарорларига кўра, қишлоқ жойларда мавжуд намунавий лойиҳаларга қўшимча равишда хўжалик иморатлари ва обод ҳовлилари бўлган арзон уйларнинг янги намуналари жорий этилди. Бундай уйларга хўжалик иморатлари ва обод ҳовлилари бўлган икки, уч қаватли кўп квартиралар (2, 3 хонали), аҳоли зич жойлашган туманларда ҳовлидаги

Қишлоқ аҳолисининг замонавий ва арзон уйларга нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёжлари ҳисобга олиниб, ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар дастури ҳамда уларни ипотека кредити асосида бериш тартибига ўзгартиришлар киритилди.



иморатлар билан биргаликда майдони 0,02 гектар бўлган ер участкаларида жойлаштирилаётган бир қаватли 2 ва 3 хонали ҳамда ҳовлидаги иморатлар билан биргаликда майдони 0,04 гектар бўлган ер участкаларида жойлаштирилаётган икки қаватли 4 хонали бирлаштирилган иморатлар қиради.

2017 йилда мана шундай уй-жойларни қуриш тўғрисидаги дастурга мувофиқ, уларнинг биринчи тури

бўйича (2-3 қаватли) 4608 та, иккинчи тури бўйича 3739 та, учинчи тури бўйича эса, 3672 та, шунингдек, амалда бўлган тури бўйича 2981 та, жами 15 мингта уйнинг барпо этилиши режалаштирилган.

– Уй-жой қурилишини молиялаштириш манбалари, бунда иштирокчи банклар ҳамда ипотека кредитидан фойдаланувчи шахсларга бериладиган имтиёзлар хусусида тўхталсангиз.

– Бундай уйларнинг барпо этилишини молиялаштиришда тижорат банклари сафи кенгайди. Эндиликда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурида бешта, жумладан, ТИФ Миллий банки, «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ, «Ипотека-банк» АТИБ билан бир қаторда «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ, АТ Халқ банки, «Асака» АТБ ҳам қатнашади.

Уй-жойга талабгор фуқаролардан жалб қилинадиган бошланғич бадал эса, икки, уч қаватли кўп квартиралар (2 ва 3 хонали) уйлар ва 2, 3 хонали бир қаватли (2 сотихли) уйлар учун 15 фоиз миқдорда қабул қилинади. 4 сотихли (икки қаватли 4 хонали бирлаштирилган) ва 6 сотихли уйлар учун эса, уй-жой умумий нархининг 25 фоизи ундирилади.

Бундай уй-жойлар учун ипотека кредити фуқаро мурожаат қилган кунда 18 ёшга тўлган, қишлоқ жойда яшайдиган, кредитга лаёқатли Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож ҳамда бошланғич бадални тўлиқ шакллантирган оила аъзоларига энг кам иш ҳақининг 1000 баробаригача, шунингдек, қурилаётган уй-жой смета қийматининг 75 фоизи (3 ва 4 – типдаги уйлар бўйича) ва 85 фоизидан (1 ва 2 – типдаги уйлар бўйича) ошмаган миқдорда, имтиёзли фоиз ставкасида, асосий қарзни қайтариш бўйича 3 йиллик имтиёзли давр билан ажратилади.

12 ТА КЎП ҚАВАТЛИ ТУРАР ЖОЙ БИНОСИ ФЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Наманган шаҳрининг Бобур шоҳқўчасида 12 та кўп қаватли замонавий турар жой биноси фойдаланишга топширилди.

лин ва неваралар билан сиқилиб яшашга кўникиб қолган эдик. Президентимизнинг қарори асосида қисқа вақтда қад ростлаган ҳамёнбол, ихчам, қулай бу уйлар ана шу муаммоларга барҳам бериши ва ёш оилалар мустақамлиги учун хизмат қилади.

Янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Сурхондарё вилояти филиали кредит маблағи эвазига барпо этилган 42 уйнинг калити хонадон эгаларига топширилди.

– Учоила бир ҳовлида яшар эдик, – дейди Кўргон маҳалласида истиқомат қилаётган Турсунбой Тўраев. – Арзон нархларда сифатли қурилатган уйлар биз каби турар жойга эҳтиёжманд ёш оилалар учун катта имконият бўлди. Турмуш ўртоғим билан маслаҳатлашиб, замонавий масивда янги қурилган уч хонали уйдан олдик. Бу уйларнинг нархи, тўлов шarti жуда қулай. Яшаш учун барча шароит яратилган. Отажонимни ҳам «юринг энди, янги уйда маза қилиб яшайсиз», деб олиб келдик. Бундай эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимиздан миннатдоримиз.

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида Сурхондарё вилоятида янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича 608 икки ва уч қаватли уйлар, икки, тўрт ва олти сотихли 3-4 хонали 401 уй-жой қурилиши режалаштирилган.

Кредитдан фойдаланганлик учун имтиёзли фоиз ставкаси дастлабки 5 йил учун 7 фоиз ва қолган 10 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси миқдорда белгиланади.

Қарз олувчи жисмоний шахслар ва уларнинг оила аъзолари (турмуш ўртоғи, ота-оналари, фарзандлари) солиққа тортиладиган иш ҳақи ва бошқа даромадларнинг имтиёзли кредит маблағлар ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилган қисми даромад солиғи тўлиштирилган озод қилинади.

Шунингдек, уй-жойга талабгор шахслар яқка тартибдаги уй-жой қурувчи билан «Қишлоқ қурилиш инвест» ўртасида уй-жой қуришга бююртмачи функциясини амалга ошириш тўғрисида шартнома имзоланган-



Биринчи Президентимизнинг 2009 йил 6 августдаги «Наманган шаҳрини 2009-2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга доир чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарори ижроси доирасида кўчани давр талабига мос, замонавий шахарсозлик андозалари асосида қайта қуриш борасида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. 2010 йилда 16 та кўп қаватли уй-жой фойдаланишга топширилган эди. Кўча четидаги эски, кўримсиз ва пастқам уйлар ўрнида кўп қаватли, савдо, хизмат кўрсатиш ва бошқа инфратузилма объектларини ўз ичига олган турар жой бинолари, ижтимоий-иқтисодий тармоқлар иншоотлари қад ростлади. Кўчанинги икки томони ва ўртасида декоратив кўринишдаги, яъни кишига заъқ берадиган чироқлар ўрнатилди, манзарали дарахтар ўтқазилди, йўлаклар четида гулзорлар барпо этилди.

Айни пайтда Наманган шаҳрининг бош режасига асосан Бобур шоҳқўчасини қайта қуриш ва ободонлаштириш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Фойдаланишга топширилган



кўп қаватли уй-жой бинолари ҳам ана шу саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Бош режа асосида мазкур кўчада 17 та тўрт қаватли уй-жой қурилиши режалаштирилган бўлиб, айни пайтда 24, 32, 38, 40 хонадонли 12 та уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Уйларнинг биринчи қаватида савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари жойлашган. Уйларнинг хоналари кенглиги, ёруғлиги ва барча замонавий талабларга жавоб бериши билан аҳолига манзур бўлмоқда.

«Планет индустрия», «Файзобод қурилиш сервис» масъулияти чекланган жамиятлари сингари бир қатор қурилиш-монтаж корхоналари томонидан бунёд этилган уй-жойлар қурилишига 80 млрд. сўмга яқин маблағ сарфланди. Унинг 12 млрд. сўмдан ортиги хонадон сохибларининг дастлабки тўлов бадали ва тижорат банкларининг кредит маблағи ҳисобидан молиялаштирилди. Режада кўзда тутилган яна 5 та кўп қаватли уйда қурилиш-монтаж ишлари давом эттирилмоқда.

ЎзА материаллари асосида.

сўм йўналтирилади, шу жумладан, уй қурувчиларнинг ўз маблағлари ҳисобидан 478,9 млрд. сўм, давлат бюджети, шунингдек, тижорат банклари маблағлари ҳисобидан 1 642,6 млрд. сўмлик кредит маблағларининг ажратилиши кўзда тутилган.

– Янги дастурга кўра, бундай уйлар кимларга берилади? Шу ўринда, талабгордан талаб қилинадиган ҳужжатлар борасида ҳам маълумот берсангиз?

– Дастур доирасида қишлоқ жойларда арзон уй-жойлар қуришда талабгорларни танлаб олиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган оилаларни дастлабки танлаш бўйича тизимнинг шаффолиги ва ишончлилиги таъминландан келиб чиқиб амалга оширилади.

рункали касалликнинг оғир турлардан азоб чекувчи ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ алоҳида хонада яшашга муҳтож бўлган шахсларнинг мавжудлиги, ариза берувчининг оила аъзолари орасида биринчи гуруҳ ногирони мавжудлиги ҳамда уй-жой майдонининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган уй-жой майдонининг ижтимоий нормасига мувофиқ эмаслиги каби масалалар ҳисобга олинади.

Уй-жой талабгори ипотека кредити олиши учун ушбу мақсади кўрсатилган аризаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ёзма тавсияси (1 ва 2 турлари учун), қарз олувчи билан биргаликда қарз олувчининг паспорт нусхаси ва молиявий аҳволини тасдиқловчи ҳужжатлари, оила таркиби тўғрисида яшаш жойидан берилган маълумотномаси, бошланғич бадал маблағлари тўлиқ шакллантирилганлиги тўғрисидаги маълумотномаси ҳамда «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси билан бююртмачи вазифасини бажариш учун тузилган дастлабки шартномасини тақдим этади.

– Зулайхо Расулова, муштарийларимизни янгиланган намунавий лойиҳалар асосида қурилатган уй-жойлар таннархи ҳам қизиқтириши табиий?

– ПҚ-2639-сонли қарорга берилган шарҳга асосан уй-жойларнинг биринчи тури бўйича 3 ёки 4 йўлакли, хўжалик иморатлари ва обод ҳовлилари бўлган 2 ва 3 қаватли кўп квартиралли уйларда умумий майдони 42,4 кв. м. бўлган 2 хонали квартираларнинг тахминий қиймати 72,5 млн. сўм, хўжалик иморатлари ҳисобга олинган ҳолда 85,0

млн. сўм бўлиши режалаштирилмоқда.

Ўз навбатида, 3 хонали квартираларнинг майдони 52,4 кв. м. ва тахминий қиймати 88,5 млн. сўм, хўжалик иморатлари ҳисобга олинган ҳолда 100,7 млн. сўм бўлади.

Бундан ташқари, кўрсатиб ўтилган кўп квартиралли уйларни қуришда квартиралар эгаларининг эҳтиёжларини қондириш мақсадида ҳовлида жойлаштирилаётган иморатлар – болалар майдончалари, дам олиш учун айвонлар, душ ва бошқалар барпо этиш назарда тутилади.

Уй-жойларнинг иккинчи турига мувофиқ, аҳоли зич жойлашган туманларда 2 сотих майдондаги ер участкасида барпо этиладиган бир қаватли 2 ва 3 хонали арзон уйлар қуриш мўлжалланмоқда. Бундай уйларнинг умумий майдони 53,0 кв. м. ва тахминий қиймати 93,8 млн. сўм, хўжалик иморатлари ҳисобга олинган ҳолда 101,5 млн. сўм бўлади.

Уч хонали уйларнинг умумий майдони 63,5 кв. м. ва тахминий қиймати 111,0 млн. сўм, хўжалик иморатлари ҳисобга олинган ҳолда 118,7 млн. сўм бўлади. Уйларнинг ҳовлисида хўжалик иморатлари қуриш назарда тутилади.

Уй-жойларнинг учинчи тури – 4 сотих майдондаги ер участкасида барпо этиладиган умумий майдони 115,0 кв. м. бўлган ягона блокка бирлаштирилган 2 қаватли 4 хонали уйлар қуриши назарда тутати. Бунда кўрсатиб ўтилган уйларнинг тахминий қиймати 162,0 млн. сўмни, хўжалик иморатлари ҳисобга олинган ҳолда 181,8 млн. сўмни ташкил этади. Бундай уйларнинг ҳам ҳовлисида хўжалик иморатларини қуриш назарда тутилган.

Назира МАВЛОНОВА суҳбатлашди.

2009-2016 йилларда уй-жой, ижтимоий ва коммунал объектлар, коммуникацияларни барпо этиш борасида амалга оширилган аниқ мақсадли ишлар натижасида қишлоқ жойларда 1308 та турар жой массивида умумий майдони 9 573 минг квадрат метр бўлган 69 557 та шинам уй-жой барпо этилди. Пировардида, 83,5 мингдан ортиқ оила ўз шахсий уй-жойига эга бўлди.

дан кейин унга ер участкаси туман ҳокими қарори билан кимовши савдоси ўтказилмасдан умрбод эгаллик қилиш ҳамда мерос қилиб қолдириладиган мулк тарзида расмийлаштирилади. Яқка тартибдаги уй-жойларни сотиб олган жисмоний шахслар, улар томонидан ипотека кредитларини тўлиқ қопланганга қадар мулк солиғи тўлашдан озод қилинадилар.

Дастурни молиялаштиришга фақат 2017 йилнинг ўзида 2 трлн. 121,5 млрд.

Бунда қатор омиллар, хусусан, ариза берувчида мулк ҳуқуқи билан турар жойнинг йўқлиги ва турар жойда ижара шартларида ёки яшаш учун яроқсиз турар жойда яшashi, бошқа оила ёки бошқа оилалар билан бир уйда (бир квартирада) яшashi, кўп болали, оиланинги кам таъминланганлиги, бир ёки ундан кўп бола ота-оналардан бири (тўлиқ бўлмаган оила) томонидан тарбияланиши ва боқилиши, ариза берувчининг оила аъзолари орасида су-

Кадрлар салоҳиятининг бирламчи мезони

Иқтисодийимиз ривожини йўлидаги кенг қўлмалли ислохотлар туфайли иқтидорли кадрларга бўлган талаб кундан-кунга ортиб бормоқда. Айниқса, банк тизимида фаолият юритувчи юқори малакали кадрларни тайёрлаш, уларнинг салоҳиятини ҳар томонлама юксалтириш ушбу жараёнда муҳим омил ҳисобланиб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ бу борда тизимли ислохотлар йўлга қўйилган.

Ҳар қандай мамлакат ўз ривожланиш босқичида малакали мутахассислар ва салоҳиятли кадрларга таянади. Бу жараёнда олий таълим муассасаларининг роли ниҳоятда муҳимдир. Бугунги глобаллашув ва миллий иқтисодийни модернизациялаш шароитида инновацион технологияларни қўллаш асосида самарали таълим дастурларини ишлаб чиқиш иқтисодий негиздаги таълим муассасаларининг муҳим вазифаларидан бири сифатида белгиланган.

Маълумотларга кўра, мустақиллик йилларида мамлакатимиздаги олий ўқув юртлири сони 37 тадан 81 тага ўсди. Шулардан 10 га яқинини иқтисодий тармоқлари учун кадрлар етиштириб берадиган институт ва университетлар ташкил этади. Хўш, бугунги кунда иқтисодий йўналишида таҳсил олувчи талабалар ёки амалиётда ишловчи кадрларнинг билимини янада мустаҳкамлашда дастуриламал ҳисобланувчи манбалар етарлими, замонавий бозор тамойиллари ва профессионал банк тизими чуқур таҳлил қилинган ёки айтили пайта долзарб бўлган халқаро иқтисодий жараёнларнинг шарҳига доир қўлланмалар мавжудми, деган савол туғилади.

Қузатувларимиз натижа-сида шу нарса аён бўлдики, иқтисодий олий таълим даргоҳларининг кутубхоналари ҳамда Алишер Навоий но-

мидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасининг диссертацияларга оид бўлимида соҳага оид таҳлилий китоблар, монографиялар ва илмий ишлар билан кенгроқ танишиш мумкин. Айниқса, тармоқ учун мутахассисларни тайёрлашда етакчи ҳисобланган Тошкент давлат иқтисодий университети ва Тошкент молия институтининг ахборот-ресурс маркази иқтисодий соҳаларга доир ниҳоятда бой қўлланмалар захирасига эга.

— Университетимиз нашриётида ҳар йили 10 дан ортиқ янги ўқув қўлланмалар, илмий ишларга доир монографиялар чоп этилади, — дейди **Тошкент давлат иқтисодий университети ахборот-ресурс марказининг I тоифали кутубхоначиси М.Аҳмедова.** — Иқтисодий йўналишларда таълим олувчи талабалар учун ўзбек ти-

Мустақиллик йилларида мамлакатимиздаги олий ўқув юртлири сони 37 тадан 81 тага ўсди. Шулардан 10 га яқинини иқтисодий тармоқлари учун кадрлар етиштириб берадиган институт ва университетлар ташкил этади.

лидаги ўқув қўлланмаларнинг сони 1000 га яқин. Буни кутубхонадаги мавжуд адабиётлар, шунингдек, интернет тармоғига жойлаштирилган электрон китоблар ҳам тасдиқлайди. Таълим муассасаларининг кутубхоналарида асосан ўқув қўлланмалари мавжудлигини инобатга ол-



сак, амалиётдаги кадрлар ва китобхонлар оммаси учун соҳага доир нашр этилаётган китобларнинг сонини янада қўлайтириш лозим.

Фикримизча, иқтисодий соҳалардаги илмий ишлар саралаб, энг асосийларини тўплам ҳолида нашр эттирилса, тизимда фаолият юритаётган ходимлар, иқтисодий йўналишдаги олий таълим муассасаларининг талабалари, умуман, соҳага қизиқувчи кенг

тининг сусайишига олиб келди. Бу жараённинг инъикоси иқтисодий соҳаларда фаолият юритаётган ходимларнинг касбий малакасига таъсир кўрсатадими?

— Асосан соҳамизга доир меъёрий ҳужжатлар билан ишласакда, албатта, иқтисодий китобларни, монографияларни ҳам ўқиб тураемиз, — дейди **«Турон-банк» АТБнинг Ижрони назорат қилиш бошқармаси мутахассиси Ж.Қодиров.**

— Ҳозирги кунда интернет тармоғи орқали ишни юртиш ёки маълумотлардан тезкорлик билан фойдаланиш ва жўнатиш имкониятининг мавжудлиги фаолиятимизда анча самара бермоқда, буни инкор эта олмаймиз. Лекин банк тизимига оид китоблардан ҳам фойдаланамиз. Яқинда «Банклараро рақобат шароитида банк хизматлари ва уларни такомиллаштириш йўллари» номли китобни ўқиб, интернет тармоғида умуман учрамайдиган қимматли маълумотларга эга бўлдим.

Инсоният оламида яратил-

ган энг нодир кашфиётлардан бири сифатида китобнинг эътироф этилиши ҳам бежиз эмас, аслида. Китоблар хоҳ бадий бўлсин, хоҳ илмий, ҳар бир ўқувчининг онгига интернет маълумотларига нисбатан чуқурроқ таъсир этишини турли хил психологик тадқиқотлар ҳам исботлаган.

Юқоридаги фикрларимизнинг давомини бевосита нашриётларнинг фаолияти ва айрим китобларнинг таҳлили билан боғлаймиз.

Ҳозирги пайтгача Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 150 га яқин нашриётлар рўйхатга олинган ва фаолият юрмоқда. Ушбу муассасаларда бадий адабиётлар билан бир қаторда турли соҳаларга доир китоблар ҳам чоп этилаёттир. Шундай экан, нашриётлар томонидан иқтисодий қўлланмалар қай даражада нашр этилаяпти?

— 2016 йил бошидан бунинг йигирмага яқин иқтисодий соҳаларга оид китоблар, шу жумладан, меъёрий ҳужжатлар

БАНК ХОДИМЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2015 йил 6 майдаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2344-сонли Қарори Иловасидаги 8-бандига мувофиқ

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ходимлари учун 2017 йил январь ойида ўтказилиши режалаштирилган ўқув курслари ва семинарлар жадвали

№	Ўқув курсининг номи	Таҳсил оладиган ташкилот номи	Ўқув курслари ўтказилиш муддати		
			16 январдан 21 январгача	23 январдан 28 январгача	30 январдан 4 февралгача
1	Молия ва кредит таҳлили	ТМИ			
2	Тижорат банкларининг валют операциялари ва уларнинг ҳисоби	ТМИ			
3	Банкларда бухгалтерлик ҳисоби ва аудит	ТМИ			
4	Тижорат банклари филиаллари ва бўлимлари бошқарувчилари учун кенг миқёсли ўқув курси	БМА			
5	Тижорат банклари филиаллари ва бўлимларининг бош ҳисобчилари учун кенг миқёсли ўқув курси: қонунчиликдаги ўзгаришлар, янгиланишлар ва амалиёт	БМА			
6	Замонавий банк иши ва маслаҳат (тавсия) Базел-III	БМА			
7	Ходимларни бошқариш	ЎХМИРМ			

тўпламларини нашр этдик, — дейди «O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи муҳаррири А.Файзуллаев. — Утган йиллар билан солиштирилганда 2016 йилда муаллифлар томонидан тақдим этилган иқтисодий мавзудаги кўлэмаларнинг сони анча юқори. Келгусида мазкур йўналишдаги нашр этиладиган китоблар сонини янада кўпайтиришни режалаштирганмиз.

Тошкент молия институтининг иқтисодий йўналишдаги китобларини нашр этишга ихтисослашган «Iqtisodpoliqa» нашриётида 2016 йилда соҳага оид 15 та адабиёт (монография, ўқув қўланма, дарслик, маърузалар матни) чоп этилган бўлса, Тошкент давлат иқтисодиёт университетида «Иқтисодиёт» нашриёти томонидан 2016 йилда 14 та янги иқтисодий адабиётлар нашрдан чиқарилди.

2016 йилда нашр этилган китоблар орасида С.Қудратов муаллифлигидаги «Банк тизимида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш» ҳамда «Тижорат банкларида корпоратив бошқарув» номли китобларга алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. «Банк тизимида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш» ҳамда «Тижорат банкларида корпоратив бошқарув» номли китобларга алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. «Банк тизимида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш» ҳамда «Тижорат банкларида корпоратив бошқарув» номли китобларга алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. «Банк тизимида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш» ҳамда «Тижорат банкларида корпоратив бошқарув» номли китобларга алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. «Банк тизимида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш» ҳамда «Тижорат банкларида корпоратив бошқарув» номли китобларга алоҳида тўхталиб ўтиш лозим.

«Тижорат банкларида корпоратив бошқарув» ном-

ли китобда ҳам тижорат банкларида корпоратив бошқарувнинг моҳияти, корпоратив бошқарувнинг механизми ва ички назорат тизими борасидаги тажрибалар ҳамда улардан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш жараёни китобхонлар учун аниқ мисоллар асосида қизиқарли баён этилган.

Шу билан бир қаторда, О.Ортиқовнинг «Банклараро рақобат шароитида банк хизматлари ва уларни такомиллаштириш йўллари» номли монографияси орқали тизимда фаолият юритувчи ходимлар керакли маълумотларга эга бўладилар. Мазкур китобда банклараро рақобат шароитида банк хизматларининг мазмуни, мижозларга кўрсатиладиган банк хизматларининг таркиби ва тўзилиши, миқдор ҳамда сифат кўрсаткичлари кенг ёритиб берилган. Шунингдек, ривожланган давлатларда банк хизматлари тараққиёти таҳлил этилиб, улардан Ўзбекистон банклари амалиётида ижодий фойдаланиш йўналишлари ишлаб чиқилган.

Хулоса шуки, барча соҳалар замон билан ҳамоҳанг тарзда такомиллашадиган бир даврда иқтисодиётнинг барча йўналишларига оид янгидан янги тадқиқотлар олиб бориш ва натижаларни китоб ҳолида нашрдан чиқариб китобхонлар учун тақдим этиш, шунингдек, илмий тақлифлар ва амалий тавсиялар орқали республикамизнинг иқтисодиёт тармоқлари фаолияти кенгайтирилишига қаратилган чора-тадбирлар тизimini ишлаб чиқиш лозим. Зеро, бундай саъй-ҳаракатлар миллий иқтисодиётимизнинг янада ривожланишига, қолаверса, юртимизнинг равнақиға ҳисса қўшувчи профессионал кадрлар сафининг кенгайишига йўл очади.

Иброҳим УСМОНОВ.

Бухгалтерлар учун бепул дастур

Пойтахтимизда ёш тадбиркорларнинг бухгалтерия ҳисоботини юритишига мўлжаллаб Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва «BePro Norma» МЧЖ томонидан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кўмагида ишлаб чиқилган «1UZ Бухгалтерия. Мини» миллий дастурининг бепул версияси тақдимоти ўтказилди.

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, соҳа субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган кўплаб имтиёз ва преференциялар берилмаётгани ушбу тармоқнинг иқтисодиётимиздаги улуши тобора ортишига хизмат қилмоқда.



Президентимизнинг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишларни янги босқичда давом эттиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Республикамизда ушбу соҳани ривожлантиришнинг аҳамиятидан келиб чиқиб, шунингдек, бухгалтерия тизимида ҳисобга олиш ва на-

зорат қилиш учун дастурий ечимларни яратиш борасида «BePro Norma» тўплаган тажрибани ҳисобга олган ҳолда компания иқтисодиётнинг мазкур сектори ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида тадбиркорлар, бухгалтерлар ва талабалар эътиборига мутлақо янги, бепул тақдим этиладиган «1UZ

Бухгалтерия. Мини» дастурий таъминотини тақлиф қилди. — Бугунги кунда ҳар бир корхона бухгалтерия ҳисобини автоматлаштиришга катта эҳтиёж сезмоқда, — дейди «BePro Norma» МЧЖ бош мутахассиси Бахтиёр Собиржонов. — Замонавий бухгалтерия дастурлари маълумотлар базасини яратиш ва унинг асосида турли мураккаблиқдаги бухгалтерия ҳисоботларини шакллантириш, хусусан, ҳисобда хатога йўл қўймаслик, иш вақтини тежаш, зарур ахборотни тезкор равишда олиш имконини бермоқда. Дастур-

ни танлашда у қайси (кичик, ўрта ёки йирик) корхонага мўлжалланганини ҳисобга олиш, унинг қай соҳага тегишлилигиға эътибор қаратиш зарур.

Республикамизда хорижий ишлаб чиқувчилар яратган дастур ва унинг модуллари кенг тарқалган. Бироқ айрим маҳаллий компаниялар ва дастурчилар ўхшаш маҳсулотларни ишлаб чиқарганликларидан ҳамма ҳам хабардор эмас. Бундай ҳолларда лицензия ҳақида сўз юритилмаслиги табиий. Мазкур вазиятда қонун бузилади, янгилаш ва сервис хизмати кўрсатиш имконияти бўлмади, шунингдек, функционаллик чекланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун мўлжалланган «1UZ Бухгалтерия. Мини» маҳаллий дастури эса Ўзбекистон қонун ҳужжатларига мослаштирилибгина қолмай, балки унинг асосида яратилган. Ундан фойдаланиш осон. Ўзбек ёки рус тилларидаги қулай интерфейсга эга бўлиб, имкониятлари бўйича хорижий аналоглардан деярли қолишмайди.

«1UZ» ишлаб чиқувчилари нафақат бухгалтерияни автоматлаштириш, балки сервис хизмати кўрсатиш, ўз вақтида янгилаш, ҳисоботлар тақвимининг мавжудлиги ва бевосита мулоқот орқали маслаҳат бериш каби масалалар ечимини ҳам тақдим этадилар. Шунингдек, мазкур қафолатланган лицензияли дастурнинг тўлақонли юкланувчи бепул версияси тадбиркорларга унинг афзалликларини кўриш ва ишлаб чиқувчи билан ҳамкорликни давом эттириш хусусида яқин қарор қабул қилиш имконини беради.

Гулшан ЮСУПОВА.

Ёшлар тадбиркорлиги: амалиёт ва самара

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсати навқирон авлодни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш, уларнинг интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, истаёд ва салоҳиятини кенг намойён этиши учун шароит ва имкониятлар яратишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлаётир.

— Мазкур қонун давлат томонидан ёшларнинг иқтисодий мустақиллигини ва ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, имтиёзли кредитлар ажратиш, уларни тадбиркорлик фаолияти асослари бўйича ўқитиш каби муҳим вазифаларнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сурхондарё вилояти кенгаши масъул ходими У.Қўлмаатов. — Қонун ижроси доирасида давлат ва жамо-

ат ташкилотлари билан ижтимоий шерикликда амалга оширилаётган йирик лойиҳалар сифати ва самардорлигиға алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Ёшларнинг фаоллигини юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларда тадбиркорлик кўникмасини мустаҳкамлаш «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг муҳим вазифаларидан биридир.

Ҳаракатнинг вилоят кенгаши томонидан Термиз шаҳри ва туманлардаги 14 ўрта махсус, касб-хунара коллежиде бизнес клублар ташкил этилган. Бу ерда тадбиркорлик билан шугулланиш истагида бўлган ёшлар учун ўқув-семинарлар ўтказилиб, истиқболли

бизнес лойиҳалар тайёрлашга кўмаклашилмоқда. Имтиёзли кредит олишиға ёрдам берилмоқда. 2016 йилнинг 11 ойида тижорат банклари томонидан ўрта махсус, касб-хунара таълими муассасаларини тамомлаб, тадбиркорликни бошлаган битирувчиларга 17 млрд. сўмдан ортиқ имтиёзли кредит ажратилди. Ҳаракатнинг «Ёш тадбиркор — юртга мададкор», «Менинг бизнес гоём» лойиҳалари ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этишда яхши самара бермоқда.

Термиз шаҳридаги 1-академик лицейни 2016 йил тамомлаган Ш.Оролова ана шундай ёшлардан бири. «Менинг бизнес гоём» лойиҳасида ўз бизнес-режаси билан иштирок этиб, тижорат банкнинг 35 млн. сўмлик имтиёзли кредит маблағини олишга мурасар бўлган.

— Бу маблағдан фойдаланиб, ўз бизнесимни йўлга қўйдим. За-

рур хомашёни харид қилдим, — дейди Шаҳризода. — Ҳозир ўнга яқин қизға миллий ҳунармандлик ва сунъий атиргул тайёрлаш сирларини ўргатмоқдаман. Биз тайёрлаётган ранг-баранг сунъий атиргулларга таълим муассасалари, хизмат кўрсатиш шохобчалари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар катта қизиқиш билдирмоқда.

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси ҳамда бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилган «Тадбиркор қизнинг энг яхши лойиҳаси — 2016» кўрик-танлови касб-хунара коллежларини битириб, тадбиркорлик билан шугулланиш истагини билдирган қизларнинг ташаббусларини муносиб рағбатлантирди. Танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ўз бизнес лойиҳаси билан иштирок этган 400 га яқин қизнинг 42 нафари вилоят босқичида ўз лойиҳаси учун имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатга эга бўлди.

ЎЗА материали асосида.

БАНКЛАР ВА МИЖОЗЛАР:

Рақамли муносабат, онлайн технологиянинг шиддат билан ривожланиши, интерактив мулоқот, оперативлик – буларнинг барчаси банк тизимидан янгича ишлашни талаб қилувчи янги тўйфадаги истеъмолчини юзага келтирди.


Бугунги кунда банклар рақамли технологияларга асосланган онлайн хизмат ва маҳсулотларни жорий этиш орқали миждога зарур вақт ва маконда қийинчиликларсиз хизмат кўрсатиш имкониятини ишга туширишга ҳаракат қилмоқда. Бу эса, банк ва миждо ўртасида янгича шакл ва мазмунга эга муносабат юзага келганини аниқлатади.

Чунончи, ўз миждоларини йўқотишни истаманган ҳар бир замонавий банк чаққон ва илдам ҳаракат қилиши лозим. Маълумки, бугунги кунда барча даража ва соҳаларда онлайн технологиялар кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Масофавий вебсаҳифалар сони ортиши билан интернет-банкнинг ва мобиль-банкнинг сингари тизимлар оммалашиб бормоқда. Банкнинг тизими миждога уяли алоқа воситалари, ижтимоий тармоқлар, ахборот хизматлари, электрон бизнес, бир сўз билан айтганда, ҳар қандай рақамли майдонда банк хизматларидан фойдаланишга хизмат қилади.

МОЛИЯВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР РИВОЖИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШИ

Молиявий технологияларнинг таракқиёт йўналиши шуни кўрсатадики, банкларда технологик ўзгаришлар асосан истеъмолчилар учун яратилган хизмат ва тўловларни масофадан амалга оширишни назарда тутди. Таҳлилчилар айнан мазкур тармоқларда яқин беш йилликда кескин ўзгаришлар рўй беришини баъшорат қилмоқда. Мисол учун, истеъмол ва тижорат кредитлари соҳасида онлайн майдоннинг муваффақиятли фаолият юритиши юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги муносабатни яқинлаштиришга ёрдам беради. Бундай ёндашув нафақат банк, балки умуман молия соҳаси ривожланишида ҳам муҳим аҳамиятга эга, боиси бу каби муносабатларда аввало банкнинг кредит таваккалчилиги даражаси камаяди.

Айни пайтда кредитлаш соҳасидаги янги инновацион қарорлар кредитлашнинг муқобил шаклини юзага кел-



тириш, ноанъанавий маълумотлар манбасидан фойдаланиш ва таваккалчиликини баҳолашнинг янгича мезонларини ишлаб чиқиш, шунингдек, кредитлаш жараёнида миждога имкон қадар кўпроқ эътибор қаратиш ва операцияларнинг харажатларини қисқартириш имконини беради.

Банк тизимида технологик жиҳатдан энг оммалашган тармоқ бу – тўловлар тармоғи ҳисобланади. Кейинги ўн йилликда бу тармоқда жиддий ўзгаришлар кузатилди. Бу эса аввало тўловларни осонлик билан амалга ошириш имкониятини тақдим этувчи янгича рақамли иловалар, муқобил процессинг тармоқларининг юзага келиши, шунингдек, бир ҳисоб рақамдан иккинчисига пулларни ўтказиш салоҳиятига эга электрон қурилмалардан фаол фойдаланилишида яққол намойён бўлмоқда.

Айни замонда янги, учинчи минг йиллик, яъни «рақамли», виртуал ҳаётга қизиқиш ортиб бораётган дав-

ринг авлодларига, уларнинг иштиёқларига мос келадиган хизмат ва маҳсулотларни яратиш муҳим аҳамиятга эга. Бошқача айтганда, инновацион ахборот технологиялари қуршовида вояга етаётган авлод вакиллари банк-молия соҳасида бир вақтнинг ўзида ҳам яратувчи, ҳам иштирокчи сифатида майдонга чиқар экан, мазкур соҳада ҳам илғор инновацион ечимлар амалиётга татбиқ этилишини талаб қилади.

Банк соҳасида юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатишни енгиллаштириш мақсадида мобиль иловаларни яратишга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. «Bain & Company» томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, дунёнинг 22 давлати орасидан 13 тасида банк хизматларини мобиль иловалар ёрдамида кўрсатиш энг юқори даражага кўтарилган. Айни пайтда жаҳон бўйича жами транзакция амалиётларининг 30 фоизи мазкур во-

ситалар орқали амалга оширилаётгани аниқланди.

Молиявий хизматлар тармоғига кирувчи асосий компаниялар вакиллари таъкидлашчи, 2015-2016 йилларда харажатларнинг асосий қисми банк транзакцияларини амалга оширишга хизмат қилувчи иловаларни ўзида жамлаган мобиль қурилмалардан фойдаланиш жараёнида ахборот хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган. Мобиль алоқа воситаларидан фойдаланиш жараёнида ўзга шахсларнинг дахл қилиши билан боғлиқ таваккалчилик даражасини бартараф этиш молиявий муассасаларнинг асосий мақсадига айланмоқда.

Ишга туширган рақамли хизмат ва маҳсулотлари билан аксарият фойдаланувчиларнинг эътиборини қозона олган «Google», «Amazon», «Facebook» ва «Apple» сингари компаниялар жаҳон

ДУНЁДАГИ НОЁБ БАНК КАРТАЛАРИ

Бугунги кунда турли мамлакатлардаги банклар ўз миждоларининг пластик карталардан фойдаланиш борасидаги иштиёқини кучайтиришга ҳаракат қилмоқда, уларга турфа хил таклифлар тақдим этмоқда. Бирок одамларни кобрендингли ёки алоқасиз карталар, микрочипли, кэш-бэкли ёки бошқа хилдаги имтиёзларни тақдим этувчи карталар билан хайрон қолдириб бўлмайди. Чунки «пластик карта» жаҳоннинг янги тарихида қимматли ахборотни ўз ичига олувчи воситага ҳам айланиб улгурди.

ЖАҲОННИНГ ИЛК ҚИММАТБАҲО КАРТАСИ

Дунёда қиймати 250 минг АҚШ долларига тенг банк карталари ҳам мавжуд.

Озарбайжоннинг «Zaminbank»и ходимлари доимий миждоларидан бирига ҳурмат ва миннатдорлик тариқасида ана шундай картани соғва қилган. Карта 750-пробали олтиндан ишланган бўлиб, 137 та олмос ҳамда турли хил қимматбаҳо тошлар билан безатилган. Бу заргарлик санъатининг дурдона асари энг қиммат картага айланди. Ушбу карта бир дона ишлаб чиқарилган. У тўлов амалиётларини бажариш имконини тақдим этувчи махсус EMV-чипга эга. Бироқ ундан пулларни нақдлаштиришнинг имкони йўқ. Айни пайтда унинг эгасига бир қатор имтиёз ва афзалликлар жорий этилган.



ГАЗЛАМАЛИ КАРТАЛАР

Наҳотки шундай карталар ҳам мавжуд бўлса, деган савол туғилиши табиий. Аммо замонавий технологияларга эга бўлган ҳозирги ишлаб чиқарувчилардан буни кутиш мумкин. Бундай карталар қўл билан ушланганида жунли мато, кум, тош, тахта, илон пўсти ва ҳоказоларни ёдга солади. Картанинг ташқи қатлами махсус буюқ билан қопланган бўлиб, айрим чизгилар уч ўлчамли тасвирга ўхшаб кетади.

Карта ўзига хос жозибадор кўринишга эга бўлишига қарамай, ушбу тасвирлар қисқа муддатда ўчиб кетиши унинг асосий камчилигидир.

ЎЗАРО МУНОСАБАТНИНГ ЯНГИЧА ФАЛСАФАСИ

рақамли майдонида ўзининг мустақкам ўрнига эга бўлмоқда. Дунёдаги аксарият банк тизимлари мижозларнинг эҳтиёжларини қаноатлантириш, банк маҳсулот ва хизматларидан фойдаланувчиларнинг қамровини кенгайтириш, шунингдек, уларга индивидуал ёндашилишини таъминлаш мақсадида янги турдаги дастурий ишланма ва лойиҳаларни ишлаб чиқишга интилоқда.

Аксарият хорижий банклар онлайн вақт режимида кўрсатиладиган янги турдаги хизматларни жорий этмоқда. Хусусан, анъанавий, мобиль ва интернет-банкнинг томонидан интерактив хизматларнинг кўрсатилиши натижасида мижозлар ўз маблағларига оид маълумотларга эга бўлади, яъни мижозлар маблағнинг келиб тушишию сарфланган харажатлари ҳақидаги маълумотлардан тортиб кийим-кечак, озик-овқат, саёхат, мобиль алоқа ва ҳоказо мақсадларга қанча ҳажмдаги пул сарфланганига оид маълумотлардан хабардор бўлиб туриши мумкин. Бу сингари хизматлар орқали маблағларни мақбуллаштириш, биюбарин, даромад, харажат ва жамғарма пулларини онлайн тарзда бошқариш имконияти мавжуд. Бу эса, банк ва мижоз ўртасидаги муносабатни янги поғонага олиб чиқишга хизмат қилади. Бунда банк нафақат молиявий хизматларни амалга оширишга кўмаклашувчи муассаса, балки маблағларни бошқариш бўйича мижознинг ишончли маслаҳатчиси сифатида ҳам намоён бўлади.

Бундан ташқари, банклар бизнесни, айниқса, кичик бизнес тармогини юритишда кўп функцияли провайдер сифатида фаолият юритмоқда. Бу вазиятда банк мижозга муайян соҳадардан бирига айланган. Аксарият банклар замонавий рақамли технологиялардан фойдаланиш асосида мижозларга ўз ҳисоб рақамларига биометрик маълумотлар, овоз ёки юзининг кўриниши орқали кириш имкониятини тақдим этувчи, айни пайтда хавфсизлик даражаси юқори бўлган

электрон хизматларни жорий этмоқда. Мобиль банк хизматларидан ташқари кўплаб истеъмолчилар мобиль тўлов тизимидан фойдаланиб келишмоқда.

Дарҳақиқат, молиявий хизматлар тармоғига кирувчи аксарият компаниялар ва умуман айтганда, банк тизимида у ёки бу шакли мобиль тўловларни қабул қилиш ва фойдаланиш имконияти мавжудлигини маълум қилишмоқда.

КРЕДИТ КАРТАЛАРИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ НИМАДА?

Таҳлилчилар таъкидлашчи, мобиль тўлов тизимида хавфсизлик таъминланишига қаратилаётган эътибор кучайтирилмоқда.

Мижозларни банкка жалб этиш йўналишида энг истиқболли йўналишлардан бири бу – кредит карта тизимини жорий этиш орқали жисмоний шахслар учун истеъмол кредитлари ажратилиши билан боғлиқ. Мазкур йўналиш Ўзбекистон банк хизматлари бозорида тўла ривожланиши учун етарлича салоҳият мавжуд. Совғали имтиёзлар ва рағбатлантиришнинг турлича шакллари ўзида мужассам этган тизим минглаб янги мижоз ва харидорларни ўзига жалб этиши мумкин. Айни вақтда банклар томонидан мижозлар учун жорий этилган турли хил имтиёзли дастурлар оммалашиб бораётгани бежиз эмас.

Кредит карталарининг жозибадорлиги омилларидан бири шундаки, мижозлар имкониятларини эркин тарзда танлаши учун шароит яратилади. Мижоз хизматларни зарурат туғилган макондан туриб харид қилиши ва улардан исталган вақтда фойдаланиши мумкин. Кредит карталари ёрдамида муайян турдаги маҳсулотни харид қилиш ёки бирор турдаги хизматдан фойдаланишни кечиктирмасдан амалга оширса бўлади. Бундан ташқари, мижозлар иш ҳақини қўлга киритиш ва жаҳон бўйлаб саёхатга чиқиш имкониятига эга.

Кредит карталари билан дўконларни айланиш, интернет ёки мобиль-банкнинг тизими ёрдамида масофавий тўловларни амалга ошириш, интернет-дўконлардан харидлар қилиш, меҳмонхона ёки авиачипталарга буюртма бериш ёнги маошга қадар қарзни қўлга киритиш мумкин.

Кредит карталарининг технология

жиҳатдан кўп функциялилиги мижозларнинг вақтини тежаш ва банк томонидан йўл қўйилиши эҳтимоли мавжуд кечикишларнинг олдини олишга замин яратади. Асосийси, кўп функцияли мазкур тизимнинг афзаллиги шундаки, кредит картаси бир марта расмийлаштирилса-да, кредит маблағларидан кўп мартаба фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга, банклар ўз мижозлари билан узоқ истиқболли алоқани йўлга қўйиш орқали мижоз яқин ва узоқ келажакда нимани хошлаётганини ўрганиш, мижознинг кредит тарихини таҳлил қилиш имкониятига эга бўлади.

БАНКЛАРНИНГ ИМТИЁЗЛИ ДАСТУРЛАРИ

Кредит карталари бозоридаги сўнгги янгилинишлар ҳақида сўз юритилганда, бундай карта эгаларига кўпроқ маблағ сарфлаш ва харажат қилишга ундовчи фоизли фойда ёки пулли мукофот шаклидаги рағбатлантирувчи имтиёзлар тизимига тўхталмасдан бўлмайди. Мисол учун, банк кредит карталари ёрдамида қилинган ҳар бир хариддан сўнг мазкур харид маблағи ҳажмининг 0,5 фоиз миқдордаги маблағ имтиёзли ҳисоб-рақамга йўналтирилади. Айни пайтда бу каби рағбатлантирувчи дастурларда ўз маҳсулот ёки хизматларини реклама қилишни истаган компаниялар ҳам иштирок этиши мумкин. Айрим ҳолатларда имтиёзли дастурлар тўпланган имтиёзли «даромад»ни ҳамкор компанияларнинг маҳсулот ёки хизматларига айирбошлашни назарда тутлади.

Мижозлар банкнинг дебет ёки кредит пластик карталаридан фаол тарзда фойдаланиб, жорий харидлар учун улар орқали тўловларни амалга оширади. Нақд пулсиз тўлов тизимига нисбатан билдирилган ишонч учун банк мижозни рағбатлантиради: махсус имтиёзли ҳисоб рақамга бонуслар (баллар, пуллар, ҳамкор ташкилотларнинг хизмати ёки маҳсулотидан келиб чиқиб, масалан, уяли алоқа оператори ёки авиаташувчи компанияларидан бепул даққа ёки километр, миллар)га эга бўлади.

Пластик карталар ёрдамида амалга оширилган харидлар қанча кўп бўлса, тўпланадиган имтиёзли бонуслар ҳажми шунчалик катта бўлади. Ке-

лажақда мижоз банк томонидан бонуслар эвазига муайян миқдордаги пул маблағларини қўлга киритиши ёки ҳамкор ташкилотларнинг маҳсулот ва хизматларидан баҳраманд бўлиши мумкин. Одатда бу каби лойиҳаларни ишга туширган ҳамкорларига мижоз томонидан бонуслар эвазига харид қилинган маҳсулот ёки хизмат учун ҳақни банк қўлаб беради.

Кредит карталарининг нафақат жисмоний шахслар, балки кичик бизнес субъектлари учун ҳам афзал жиҳатлари мавжуд. Хусусан, бундай карталар кичик бизнес вакилларига кредит маҳсулотларига эга бўлишида қўл келади. Бироқ ундан оқилона фойдаланиш жиддий тайёргарликни тақозо этади. Шунингдек, кредит карталарининг афзал жиҳатлари ҳақида мижозлар ўртасида тушунириш-тарғибот ишларини ўтказиш зарур. Зотан, маҳсулот ёки хизмат қанчалик юқори технологияга асосланмасин, мижоз ундан тўғри фойдаланишни билмас, унга нисбатан ишонч билдирмас, қутилган натижага эришиб бўлмайди.

Кредит карталари кўплаб компания ва корхоналар эгаларига бонус энесни бошлаш ва ривожлантиришда асқотадиган восита ҳисобланади. Бундай карталар нафақат тадбиркорга истиқболли кредит тарихини шакллантиришга, балки бизнесни муваффақиятли юритишга молиявий кўмак берувчи восита ҳамдир. Улар корхона номига расмийлаштирилади ва ташкилот раҳбарияти унинг ёрдамида кредитларни қўлга киритиши, тўловларни амалга ошириши, бир сўз билан айтганда, мукамал кредит тарихини яратиши мумкин.

Кези келганда таъкидлаш лозим, кредит карталаридан бизнесни бошқариш мақсадидагина фойдаланган маъқул, унинг маблағларини корхона ёки ташкилот раҳбари ўзининг шахсий манфаатлари йўлида сарфламаслиги тавсия этилади.

Бугунги кунда кредит карталаридан фойдаланиш бўйича банк хизматлари бозори шаклланиш ва ривожланиш босқичини бошидан ўтказмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашчи, кредит карталаридан фойдаланиш тизимини муваффақиятли ишга тушира олган банк бошқа молиявий муассасаларидан илгариллаб кетиши мумкин.

Дилафрўз МУХТОРОВА.

ЭКОЛОГИК ТОЗА КАРТАЛАР

Жаҳоннинг энг йирик молиявий ва банк гуруҳидан бири – «Barclays PLC»нинг шўъба банки «Barclays» ўз мижозларига дунёнинг экологик тоза «Blue debit card» картасини тақдим этди.

Карта ишлаб чиқариш бўйича етакчи ўринларни эгаллаб келган «Axalto» компанияси банкнинг экологик тоза карта ишлаб чиқариш юзасидан буюртмасини бажаришда «The Carbon Neutral Company»нинг буг самарасини кучайтирувчи газдан чиқадиган захарли моддаларни камайириш билан боғлиқ тавсияларини инобатга олган. Шу аснода экологик тоза дебет карталарини ишлаб чиқариш жараёнида захарли буг газларининг чиқиши камайишига эришилган.

Бу «Barclays»нинг энг биринчи экологик ташаббуси эмас. Банк унга қадар ҳам муассаса томонидан ишлатиладиган энергия сарфини камайириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланиш ва Буюк Британияда буг газидан чиқадиган захарли моддаларни бутун-




лай бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсияларни илгари сурган эди.

Японияда эса мутахассислар табиий маҳсулотлардан таркиб топган картани кашф этишди. Бу карта лавлаги экстрактдан иборат. Айнан шу боис ҳам мазкур карталар экологик тоза карталар деб ҳисобланди.

КЎЗГУЛИ КАРТАЛАР

Одатда ҳамма ҳамёнга ҳам кўзгуни солиб бўлмайди. Лекин уларга банк карталарини жойлаштириш мумкин. «Credit Card Mirror» карталари ҳар иккаласини биттада кўриш мумкин: у банк картаси, ҳам кўзгуни. Картага биринчи навбатда аёл-мижозларнинг қизғини ортиганди.



Интернет материаллари асосида тайёрланди.



Янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тақдим этамиз

Қурувчилар, умумий овқатланиш ва чакана савдо учун ЯИТ ҳисоб-китоби тартиби содалаштирилди

Чакана савдо, умумий овқатланиш ва қурилиш корхоналари учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699-сонли қарори билан ЯИТнинг энг кам миқдорини аниқлаш тартиби содалаштирилди.

Ушбу тармоқлар корхоналари ЯИТнинг энг кам миқдорини ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларидан келиб чиққан ҳолда белгилайдилар (Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 28 декабрда 2173-сон билан рўйхатдан ўтказилган). Ҳисоб-китоб тартиботи кўп босқичли бўлиб, аксарият бухгалтерлар учун жуда мураккабдир. Пировардида кўплаб хатоликлар, пеня ва жарималар, шунингдек, солиқ маъмуриятчилигидаги мураккабликлар юзга келарди.

Энди эса чакана савдо, умумий овқатланиш ва қурилиш корхоналари учун ЯИТ ҳисоб-китоби сезиларли равишда содалаштирилди – улар ЯИТнинг энг кам миқдорини бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлар сингари, яъни энг кам иш ҳақининг каррали миқдорларидан келиб чиқиб ҳисоблайдилар (Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 13 апрел-

да 2095-сон билан рўйхатдан ўтказилган):

- ҳар бир ходим учун ойига 0,65 ЭКИХ – микрофирма ва кичик корхоналар учун;
- ҳар бир ходим учун ойига 1 ЭКИХ – бошқа ЯИТ тўловчилар учун.

Эслатиб ўтаамиз, ушбу тартиб ихтисослашган цехлар, участкалар ва корхоналарда ишлайдиган ногиронларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондларига, шунингдек, янгитдан ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларига давлат рўйхатидан ўтган санадан эътиборан 6 ой мобайнида татбиқ этилмайди. Агарда улар ушбу даврда ўз эҳтиёжлари учун объектлар қуришса, тугалланган объектни қабул қилиш далолатномаси тасдиқланган санадан 6 ой ўтгунга қадар, бироқ давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бир йилдан кўп бўлмаган муддатда ЯИТнинг энг кам миқдорини ҳисобга олмасалар ҳам бўлади.

Давлат кўчмас мулки ижарасининг 2017 йил учун энг кам ставкалари тасдиқланди

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан давлат кўчмас мулкidan фойдаланиш учун ижара ҳақининг энг кам ставкалари белгиланди.

Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2016 йил 16 декабрдаги 378/01-14-сон хатида Тошкент шаҳри, шунингдек, республика бўйича энг кам ижара ставкалари келтирилади.

Ушбу ставкалар аънавий равишда ижарага олинаётган мол-мулкдан фойдаланиш мақсадларига боғлиқ ҳолда белгиланади.

Масалан, Тошкент шаҳри учун энг паст ставка бир кв.метр жой учун 1 500 сўмни (китоб дўконлари), энг юқори ставка эса 231 100 сўмни (банкматлар) ташкил этади.

Маълумот учун: Кўрсатилган соҳадаги муносабатлар Давлат мулкни ижарага бериш тартиби тўғрисидаги Низом (Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сонли Қарори билан тасдиқланган) билан тартиб-

га солинади. Мазкур Низомнинг 10-бандига асосан энг кам ставкалар Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси тақдим этган ҳамда Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган ижаранинг энг кам ставкалари ҳисоб-китоби асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланади.

Йиғим йил мобайнида барқарор бўлади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги (2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699-сонли) Қарори билан товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғимлар тўлаш тартиби ўзгарди.

2017 йилдан товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматлар кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғимлар йил бошида белгиланган ЭКИХдан келиб чиққан ҳолда тўланади (2017 йилнинг 1 январь ҳолатига – 149 775 сўм). Бу эса, аввал бўлганидек, йил мобайнида ЭКИХ миқдори ўзгарган тақдирда уларнинг суммаси қайта кўриб чиқилмайди дегани.

Йиғимларнинг энг юқори ставкалари аввалги даражада сақланиб қолди. Аниқ ставкалар эса маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари томонидан белгиланади ва қонунчилик томонидан белгиланган энг юқори ставкалардан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Эслатиб ўтаамиз, йиғимлар қуйидаги ҳуқуқлар учун тўланади:

- алкогольли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш, жумладан умумий овқатланиш корхоналари томонидан уни сотилиши, – 1 ой савдо қилиш учун 5 ЭКИХ;
- қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар билан чакана савдо қилиш – 1 ой савдо қилиш учун 3,5 ЭКИХ;
- автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматларни кўрсатиш – ҳар бир ой учун 8 ЭКИХ. Бунда йиғим миқдори Тошкент шаҳрида ойига 5 ЭКИХдан, вилоятлар марказларида 3 ЭКИХдан, бошқа аҳоли пунктларида 2 ЭКИХдан кам бўлиши мумкин эмас.

Қайси дорилар учун нархлар белгиланган?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 20 декабрдаги ПҚ-2685-сонли қарори билан Белгиланган нархларда сотиладиган ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари рўйхати янги таҳрирда тасдиқланди.

Эслатиб ўтаамиз, кўрсатилган рўйхат илгари Президентимизнинг 2016 йил 31 октябрдаги «Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2647-сонли Қарори билан тасдиқланганди.

Ҳужжатнинг янги таҳрири 343 та номни ўз ичига олган бўлиб, улардан:

- дори препаратлари – 299 (98 – маҳаллий, 201 – импорт қилинадиган);
- тиббиёт буюмлари – 44 (18 – маҳаллий, 26 – импорт қилинадиган).

Барча дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари МКБ 10 касалликлар синфларига мувофиқ гуруҳлаштирилган.



Товарни экспорт учун расмийлаштириш арзонлашди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 декабрдаги 414-сонли қарори билан айрим ҳукумат қарорларига ўзгартиришлар киритилди.

Божхона йиғими ставкаси пасайтирилди

Ходим томонидан «экспорт» божхона режимида жойлаштирилаётган товарни белгиланган жойдан ташқарида ва (ёки) божхона органлари иш вақтидан ташқари божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун йиғим ставкаси битта ходимнинг бир соатлик иши ҳисобида ЭКИХнинг 5 фоизи-гача пасайтирилди.

Қандай шартномалар ҳисобга олиниши керак

Энди Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармонида 1, 2 ва 4-иловаларда назарда тутилган товарларни экспорт қилишга доир контрактларни ҳисобга қўйиш (қонун ҳужжатларига мувофиқ экспорт контрактларига тенглаштирилган контрактлар бундан мустасно) ДБҚнинг худудий бошқармаларида амалга оширилади.

Ҳисобга қўйиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:


- контракт (шартнома, битим), тегишли ваколатли органларда рўйхатдан ўтказилган биржа контрактлари бундан мустасно;
- юкнинг божхона декларацияси, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўловчи божхона декларациясини тўлдириш йўли билан товарларни декларациялаш ҳоллари бундан мустасно;
- товарларга илова қилинадиган ҳужжатлар.

Ўзгартиришлар 2017 йил 1 январдан кучга кирди.


ЎзРТХБда сотувга қўйилган товарларнинг haftалик ўртача мақбул нархи

	07-11.11. 2016 йил	14-18.11. 2016 йил	21-25.11. 2016 йил	28.11-02.12. 2016 йил	05-09.12. 2016 йил	12-16.12. 2016 йил	19-23.12. 2016 йил	26-30.12. 2016 йил	03-06.01. 2017 йил
Пахта ёғи, сўм/тн	3 435 260	3 435 260	3 435 260	3 435 260	3 435 260	3 435 260	3 435 260	3 435 260	3 435 260
Бугдой уни олий нав, сўм/тн	1 279 024	1 282 639	1 274 675	1 245 358	1 272 540	1 268 858	1 268 493	1 265 834	1 265 834
Бугдой уни биринчи нав, сўм/тн	885 607	891 546	906 834	884 760	884 136	890 686	916 410	886 000	886 000
Бугдой (ём учун), 4-класс	739 982	739 982	742 176	737 818	737 818	737 818	743 451	744 130	744 130
Бугдой (ём учун), 5-класс	689 282	666 640	673 090	683 905	683 905	683 905	679 832	687 952	687 952
Шакар, сўм/тн	3 857 070	3 857 070	3 857 070	3 857 070	3 857 070	3 857 070	3 857 070	3 857 070	3 857 070
Бензин АИ-80, сўм/тн	3 761 999	3 794 132	4 094 748	3 927 302	4 006 404	3 834 620	3 803 192	3 924 882	3 867 770
Бензин АИ-91, сўм/тн	5 672 115	5 608 596	4 000 000	4 000 000	4 000 000	3 997 253	3 946 659	3 963 022	5 601 933
Дизель ёнилғиси, сўм/тн	3 955 235	4 096 773	3 931 480	3 990 906	4 038 411	4 062 167	3 794 386	3 729 743	3 898 796
Суюлтирилган газ, сўм/тн	3 612 533	3 396 895	3 866 801	4 141 350	4 181 392	3 669 279	2 803 613	2 203 330	2 699 432
Писта ёғи шроти, сўм/тн	720 000	720 000	720 000	1 200 099	1 200 099	1 200 099	1 200 099	1 200 099	1 200 099
Пахта чигити шроти, сўм/тн	992 769	992 275	990 395	989 981	990 064	990 166	989 868	983 488	983 071
Пахта чигити шелухаси, сўм/тн	493 637	493 887	493 853	490 131	494 421	492 824	493 367	491 038	490 404
Азот-фосфорли ўғит (қолда), сўм/тн	637 001	637 001	637 001	637 001	637 001	637 001	637 001	637 001	637 001
Аммофос 44:10 (уюм ҳолатида), сўм/тн	1 396 300	1 396 290	1 396 300	1 396 300	1 396 300	1 397 164	1 399 101	1 406 209	1 408 571
Кальцийланган сода (қолда), сўм/тн	897 960	899 722	901 717	891 115	890 053	896 171	891 266	898 043	891 554
Аммоний сульфат (уюм ҳолатида), сўм/тн	379 290	379 564	379 564	394 000	394 000	394 423	394 132	393 849	396 328
Арматура (СТ25-35ДС), сўм/тн	4 659 946	5 367 999	5 367 999	5 367 999	5 367 999	5 367 999	5 367 999	5 367 999	5 367 999
Қурилиш битуми, сўм/тн	3 256 797	4 600 000	4 600 000	4 600 000	4 600 000	4 600 000	4 600 000	4 600 000	4 600 000
Мис катанкаси, сўм/тн	29 252 744	32 401 947	34 208 232	34 208 232	35 447 626	36 082 768	36 680 424	36 680 424	36 680 424
Полиэтилен (F-0120), сўм/тн	13 308 041	10 760 538	13 000 000	13 000 000	9 991 857	9 807 790	9 807 790	9 807 790	9 969 399
Кўмир (2 БОМСШ 0-50), сўм/тн	150 971	150 971	150 971	178 390	178 390	178 390	178 390	161 003	161 003
Цемент (М-400 Д-20), сўм/тн	298 661	287 828	293 090	306 015	301 711	319 823	321 305	339 029	357 322
Шифер (8 тўлқинли), сўм/лист бирлигида	27 660	27 791	27 791	28 591	26 155	26 072	24 531	24 071	24 071


Биржа савдолари динамикаси млн. сўмда




ЎзРТХБда сотувга қўйилган бензин, дизель ёнилғиси ва суюлтирилган газнинг haftалик ўртача мақбул нархи



ЎзРТХБда сотувга қўйилган бугдой унининг haftалик ўртача мақбул нархи




ЎзРТХБда сотувга қўйилган шрот ва шелуханин haftалик ўртача мақбул нархи




ЎзРТХБда сотувга қўйилган қурилиш битумининг haftалик ўртача мақбул нархи




ЎзРТХБда сотувга қўйилган полиэтиленнинг haftалик ўртача мақбул нархи




ЎзРТХБда сотувга қўйилган цементнинг haftалик ўртача мақбул нархи




ЎзРТХБда сотувга қўйилган пахта ёғининг haftалик ўртача мақбул нархи




ЎзРТХБда сотувга қўйилган бугдойнинг haftалик ўртача мақбул нархи




ЎзРТХБда сотувга қўйилган кимёвий маҳсулотларнинг haftалик ўртача мақбул нархи



ЎзРТХБда сотувга қўйилган шифернинг haftалик ўртача мақбул нархи



ЎзРТХБда сотувга қўйилган кўмирнинг haftалик ўртача мақбул нархи



Корхоналарни молиявий соғломлаштириш самаралари

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида «Иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштиришнинг ахамияти» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Бугунги кунга келиб ҳукуматимиз томонидан иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш борасида изчил ишлар амалга оширилди келинмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 26 январдаги 11-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар ва ҳўжалик бошқарув органлари билан биргаликда зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича «йўл харитаси» дастурлари ишлаб чиқилмоқда.

Хусусан, 2015 йилда 86 та, 2016 йилда эса, 99 та зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли корхоналарни молиявий соғломлаштириш бўйича ана шундай дастурларнинг ишлаб чиқилганлиги эътиборга лойиқдир.

Шу билан бирга, Давлат рақобат қўмитаси томонидан маҳаллий ҳокимликлар, тижорат банклари билан



биргаликда ҳудудлардаги кам қувватли, фаолиятсиз корхоналарни тиклаш ва бўш турган объектлар негизда янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар дастурлари амалга ошириб келинмоқда.

2016 йилда 2 629 та лойиҳа бўйича ҳудудлардаги шундай корхоналар, бўш турган ва қурилиши тугалланмаган объектларни молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари белгиланиб, манзилли дастурлар тасдиқланди.

Мазкур лойиҳаларга 2 016,1 млрд. сўмдан ортиқ инвестицияларни жалб қилиш, 2 474,7 млрд. сўмдан ортиқ рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, 95,3 млн. доллар-

лик маҳсулотларни экспорт қилиш ва 36,6 мингга яқин янги иш ўринларини яратиш ёки қайта тиклаш режалаштирилган бўлиб, 2016 йилнинг 11 ойида жами 2 025,1 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди.

Қайд этиш жоиз, дастурдаги лойиҳаларга тижорат банкларининг 590,3 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилди. 786 та кам қувватли ва фаолиятсиз корхоналарга 907,4 млрд. сўмлик инвестициялар жалб қилиниб, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда мавжуд қувватларни модернизация қилиш ҳисобига барқарор фаолият юритиши таъминланди.

Эъзоз КАМОЛОВА.

Ишлаб чиқариш кенгаймоқда

Жиззах вилоятида 2016 йилнинг тўққиз ойида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий қўллаб-қувватлаш учун тижорат банклари томонидан 372,9 млрд. сўм, жумладан, sanoat соҳасини ривожлантириш учун 64,2 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди.

Жиззах шаҳридаги «Жаннати бибихоним» тикувчилик корхонаси «Асака» банкнинг 125 млн. сўмлик кредит маблағи эвазига фаолиятини кенгайтди. Корхонага хориждан замонавий дастгоҳлар келтириб ўрнатилди.

Янги цех ишга туширилиши билан корхонада маҳсулот тури яна тўрттага кўпайди. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобидан 2016 йилнинг тўққиз ойида буюртмачиларга

257 млн. сўмлик кийим-кечак ва кўрпа-тўшак маҳсулотлари етказиб берилди.

– Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони фаолиятимизни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда, – дейди **корхона раҳбари Наргиза Тўйчиева**. – Айни пайтда буюртма асосида мактабга-ча таълим муассасалари ва шифохоналарга кўрпа-ёстиқ ва бошқа юмшоқ жиҳозлар етказиб бермоқдамиз. 9 ишчи меҳнат қилаётган корхонамизда янги лойиҳа амалга оширилган, яна 2 нафар касб-ҳунар коллежи битирувчиси иш билан таъминланди.

Ў.А.

Солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар тарғиботи

(Давоми. Бошланиши 2-бетда).

Ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаш тартибларини бир-хиллаштириш мақсадида 2017 йил 1 январдан бошлаб бошқа тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган ягона ижтимоий тўлови ҳар бир ходим учун ойига минимал иш ҳақига қаррали миқдорда ҳисоблашнинг амалдаги тартиби чакана савдо, умумий оватланиш ва қурилиш соҳаси корхоналарига ҳам татбиқ этилиши белгиланди.

Семинарда асосий солиқ турлари бўйича ставкалар 2017 йилда ҳам 2016 йил даражасида сақланиб қолинганлиги, яқна тартибдаги тадбиркорлик йўналишида 2017 йил 1 январдан бошлаб, ҳунармандларга (қонунчилиқда белгиланган рўйхат бўйича) энг кам иш ҳақининг 0,5 баробари миқдориди қатъий белгиланган солиқни тўлаш жорий этилганлиги қайд этилди.

йил мобайнида тўланмаган тақдирда, қарзни ундиришни мол-мулкига қаратиш учун белгиланган энг кам миқдордан оз бўлган (юридик шахслар энг кам иш ҳақининг 20 баробаригача, жисмоний шахслар учун 5 баробаригача) ҳолларда ҳам мажбурий ундирувга қаратиш тартиби белгиланди.

Тадбирда қатнашчилар Президентимизнинг «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 4848-сонли Фармонида белгиланган меъёрларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида 2016 йилнинг 29 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, ху-



Ў.А. фотосурати

– Аҳолининг ўртача турмуш даражаси юксалганлиги, энг кам иш ҳақи миқдори ошганлиги ҳамда инфляция даражасидан келиб чиққан ҳолда, айрим солиқларнинг ставкалари индексация қилинди, – дейди **Давлат солиқ қўмитаси Юридик шахсларга солиқ солиш бoш бошқармаси бошлиғи Азиз Гўёсов**. – Солиқ маъмуричилигини такомиллаштириш ва солиқ солиш билан боғлиқ бошқа масалалар бўйича Солиқ кодексига тегишли ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқ қарзи бир

сусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига асосан 13 та қонун ҳужжати, шу жумладан, Жиноят, Жиноят процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисида ва Солиқ кодексларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар мазмуни билан ҳам яқиндан таништирилди.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

«Norma Hamkor» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

А.Н. НАЗАРОВ

Нашр учун масъул

А.С. АСРОРОВ

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

ДИРЕКТОР

Р.Л. ВАЛИЕВ

Газета тахририятнинг техник
ускуналарида саҳифаланди.

АХБОРОТ ҚУМАГИ

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАА

ТАХРИРИЯТ МАЗИЛИ:

100084, Тошкент ш.,

Ғ. Мавлонов кўчаси, 1а-уй, 3-қават.

e-mail: info@banknews.uz,

www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун

234-43-18

телефони орқали мурожаат қилинг.

Юридик шахслар учун нашр индекси – 102.

Жисмоний шахслар учун нашр индекси – 377.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ихозат берилди. Қўлғазмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтада бир марта пайшанба кунини чиқади.

Буюртма № 771.

Адади 8889 нуска.

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмида, 3 шартли босма табоқда

чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 11.01.2017 й., 9.00.